БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (698)

20 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини пахта тайёрлаш давлат планини бажариш билан нишонлайлик!

Интеллигенциямизнинг шарафли вазифалари

Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съезди ўзбек халқининг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Съезд пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги идеологиясининг буюк кучини, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг ҳаётийлигини намойиш қилди.

Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорлари ва Ўзбекистон интеллигенциясининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Съезд республикамиздаги барча интеллигентларга қарата Мурожаат қабул қилди.

Биз, — дейлади Мурожаатда,— Совет Ўзбекистони интеллигенцияси биринчи съездининг қатнашчилари ҳамма инженерларга, техникларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, олимларга, врачларга, ёзувчиларга, артистларга, рассомларга, маданий-оқартув муассасаларининг ходимларига мурожаат қилиб, яна ҳам яхшироқ ва фидокорона ишлашга, коммунизм қуришнинг улуғ ишига ўзларининг бутун билимларини, тажрибаларини, ижодий ғайратларини сарфлашга чақирамиз. Ҳаётимизнинг бутун моҳиятини Ватан бахт-саодати учун, халқимиз бахт-саодати учун меҳнат қилишдан иборат деб биламиз.

Коммунистик партия тарбиялаб ўстирган ва вояга етказган, халқ манфаатларига чексиз содиқ бўлган республикамиз, шу жумладан областимиз интеллигенцияси маданий қурилишда, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашда, партиямиз XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишда кўп миллионли совет интеллигенциясининг олдинги сафларида борди.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри республикамизнинг энг катта иқтисодий ва маданий марказидир. Илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, маданий-оқартув муассасалари ва ижодий ташкилотлар асосан Тошкент шаҳрида тўплангандир. Илм ва фаннинг маркази — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам Тошкентдадир.

Тошкент — йирик саноат маркази. Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ, Оҳангарон ва бошқа саноат шаҳарлари Тошкент областида жойлашгандир. Тошкентда кўпинглик ишчи интеллигенцияси кадрлари бор. Улар техникани тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашмоқдалар. Вазифа — ишлаб чиқариш технологияси процессларини янада яхшиландан, янги мукаммал станоклар ва агрегатларни ишлаб чиқаришга кўплаб жорий қилишдан, мавжуд ускуналарни такомиллаштиришдан, техникадан юксак даражада унумли фойдаланишдан иборатдир.

Пахта ўзбек халқининг шон-шарафи ва миллий ифтихоридир. Шу муносабат билан олимларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари олдида пахтачиликни янада юксалтиришдан иборат катта вазифалар турибди. Шуни айтиш керакки, илмий-текшириш институтлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, СоюзНИХИ пахтачиликнинг илмий асослари устидан етарли иш олиб бормаётирлар. Вазифа — пахта агротехникаси соҳасидаги тадқиқот ишларини янада кучайтиришдан, пахтанинг янги, янада тезпишар, касалликларга бардош берадиган, ҳосилини машина билан териб олишга мосланган сортларини яратишга жиддий эътибор беришдан иборат. Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўл қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини амалга оширишда актив қатнашиш —ҳар бир олим, илмий ходимнинг шарафли бурчидир.

Ўзбекистон интеллигенцияси съезди тарихчилар, экономистлар, философлар, адабиётшунослар, юристлар олдига катта вазифаларни қўйди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи бир олимлар, илмий ходимлар фаннинг муҳим проблемаларини принципсиз ҳал қилмоқдалар. Илмий-текшириш муассасаларида йиллар бўйи илмий асар яратмаётган, фан учун эмас, фан ҳисобига ишлаётган олимлар, илмий ходимлар ҳам бор. Илм-фаннинг ҳамма тармоқларида, айниқса саноат, қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикаси ва биринчи навбатда пахтачиликнинг конкрет экономикаси соҳасида муҳим проблемаларнинг тагин ҳам чуқурроқ ишлаб чиқилиши зарур. Олий ўқув юртларида ўқитиш ишларини янада яхшилаш, мутахассис кадрлар тайёрлашга эътиборни янада кучайтириш, олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак.

Интеллигенция съезди халқ маорифи ходимлари олдига катта ва шарафли вазифани қўйди. Халқ маорифи ходимлари коммунистик жамият қурувчи ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашдек фахрли ва олижаноб вазифани бажармоқда. Мактабларда дарсларнинг сифатини яхшилаш, ўқиш ишларини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига боғлаб олиб бориш, болаларга меҳнат малакаларини ва меҳнатга муҳаббатни ҳар томонлама сингдириш, ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни яхшилаш, ота-оналар билан ҳамиша яқин алоқада бўлиш — халқ маорифи ходимларининг муҳим вазифасидир. Маданий-оқартув ишларини, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишларини яхшилаш, медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикада қунт билан жорий қилиш керак.

Интеллигенция съезди ёзувчилар, композиторлар, рассомлар союзлари ишидаги катта камчиликларни очиб ташлади, айрим ёзувчилар, композиторлар, рассомлар ҳозирги куннинг юксак талабларига жавоб берадиган асарлар яратмаётганликларини кўрсатди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, композиторлар союзи, рассомлар союзи бу соҳада етарли иш олиб бормаётганлигини қайд қилиб кўрсатди. Вазифа халқимизнинг истак ва орзуларига, дидига мос келадиган асарлар яратишдан иборат. Ёзувчилар, композиторлар, рассомлар турмушни чуқур ўрганишлари, совет кишиларини меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликлар қилишга руҳлантирадиган асарлар яратишлари лозим.

Ҳозирги кунда пахта териш кампаниясининг ҳал қилувчи, энг масъулиятли даври бошланди. Областимиз меҳнаткашлари 17 октябргача 340 минг тонна пахта тайёрладилар. Улар 25 октябргача 400 минг тонна пахта топшириш ва йиллик планни 7 ноябргача, социалистик мажбуриятни эса 20 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, ҳамма меҳнаткашлар, интеллигенциянинг бутун куч-ғайрати бир ишга, бир мақсадга— яъни мўл пахта ҳосилини ҳеч нобуд қилмай териб давлатга топшириш учун қаратилмоғи керак.

Шубҳа йўқки, Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган, партия ва ҳукуматнинг буюк ғамхўрлиги билан қуршаб олинган шонли интеллигентларимиз кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиб ишлайдилар ва КПСС XX съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Н. С. Хрушчев Япония Деҳқончилик ва Ўрмончилик Министри Ициро Конони қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев Совет-Япония муносабатларини нормаллаштириш тўғрисида олиб борилаётган музокараларда қатнашувчи Япония ҳукумат делегацияси составида Москвада турааётган Япония Деҳқончилик ва Ўрмончилик министри Ициро Конони 18 октябрда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко ҳозир бўлди. (ТАСС).

Н. С. Хрушчев Англия парламентининг аъзоси Қони Зиллиакусни қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев СССР Фанлар академиясининг таклифига мувофиқ Москвага келган Англия парламентининг аъзоси ва лейбористлар партиясининг кўзга кўринган арбоби Кони Зиллиакусни 18 октябрда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

Афғонистон Бош Министри Сардор Муҳаммад Довуд В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлди

Афғонистон Бош Министри Сардор Муҳаммад Довуд ва у билан бирга келган расмий кишилар 18 октябрда В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлдилар ва гулчамбар қўйдилар. (ТАСС).

ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНГА

СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ Д. Т. ШЕПИЛОВГА

Хитой Халқ Республикаси ХХР эълон қилинган куннинг 7 йиллиги муносабати билан юборган табригингиз учун Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва хитой халқи номидан самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Хитой халқи ўз курашида узоқ вақт босиб ўтган йўлида совет халқи уни доим қизғин қўллаб-қувватлаб келди ва ҳозирги вақтда ҳам хитой халқи социалистик қурилишда Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқларидан жуда катта ёрдам олиб келмоқда. Совет халқининг хитой халқига нисбатан кўрсатаётган улуғ дўстлиги бутун хитой халқининг ўз мамлакатини социалистик негизда тезликда индустриалштириш учун курашга илҳомлантирмоқда.

Хитой ва СССР халқлари ўртасидаги дўстлик Осиёда ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишнинг қудратли таянчи бўлиб қолди ва бу дўстликнинг таъсири тобора кучаймоқда ва бу дўстлик бутун дунёдаги барча тинчликсевар халқлар учун азиздир. ХХР билан СССР ўртасидаги улуғ дўстлик бундан буён ҳам кун сайин мустаҳкамланиб, абадий давом этишига ғоят аминмиз.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб совет халқига энг яхши истакларимизни изҳор қиламиз. Совет халқининг коммунизм қурилишида ва бутун дунёда тинчликни сақлашда янада катта ва порлоқ муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

МАО ЦЗЭ-ДУН.
ЛЮ ШАО-ЦИ.
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ.

1956 йил, 11 октябрь. ПЕКИН.

Н. А. БУЛГАНИН ҲУЗУРИДА АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ САРДОР МУҲАММАД ДОВУД ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 18 октябрда Катта Кремль саройида Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд жаноб олийлари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Сардор Муҳаммад Довуд жаноб олийлари, бош министрнинг Биринчи Ўринбосари Сардор Али Муҳаммад, Ички ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон Ташқи ишлар министрлиги умум сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак, Кон ишлари ва саноат министрининг ўринбосари Султон Аҳмад Попол, Миллий экономика министрлиги савдо бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Сарвор, Қобул радиосининг директори Абдул Рауфхон Бинавий, Деҳқончилик министрлигининг вакили Вокил Абдул, Қобул университети медицина факультетининг декани Муҳаммад Усмон Анварий ва Бош Министр билан бирга келган бошқа афғон расмий кишилари, шунингдек Афғонистоннинг СССРдаги Элчиси Ғулом Яхё Тарзий ва Афғонистоннинг СССРдаги Элчихонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан Л. М. Каганович, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Н. Косигин, И. Ф. Тевосян, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Иқтисодий алоқалар ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, Армия генераллари И. А. Серов, И. В. Тюленев, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико ва В. С. Семёнов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Л. Ф. Ильичев, СССРнинг Афғонистондаги Элчиси М. В. Дегтярь, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг вазифасини ижро этувчи А. П. Павлов ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. А. Булганин ва Сардор Муҳаммад Довуд дўстона қадаҳ кўтардилар.

Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ БОЛЬШОЙ ТЕАТРИДАГИ СПЕКТАКЛДА ҲОЗИР БЎЛДИ

Афғонистон Бош Министри Сардор Муҳаммад Довуд 18 октябрь кечқурун ССР Иттифоқи Большой театрида Чайковскийнинг «Оқ қуш кўли» балетини тамоша қилди.

Спектаклда Бош Министр билан бирга келган Бош Министрнинг Биринчи Ўринбосари Сардор Али Муҳаммад, Ички ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон Ташқи ишлар министрлиги умум сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак, Кон ишлари ва саноат министрининг ўринбосари Султон Аҳмад Попол, Миллий экономика министрлиги савдо бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Сарвор, Қобул радиосининг директори Абдул Рауфхон Бинавий, Деҳқончилик министрлигининг вакили Вокил Абдул, Қобул университети медицина факультетининг декани Муҳаммад Усмон Анварий ва бошқалар, шунингдек Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Ғулом Яхё Тарзий ва элчихона ходимлари ҳам бўлдилар.

Н. А. Булганин, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов ўртоқлар, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари З. А. Зорин, В. С. Семёнов, СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь, армия генерали И. В. Тюленев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг вазифасини ижро этувчи А. П. Павлов ва бошқа расмий кишилар театрда меҳмонлар билан бирга бўлдилар.

Тамоша залида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эдилар.

Марказий ложа Афғонистон ва СССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Спектакль бошланиши олдидан Афғонистон ва Совет Иттифоқи давлат Гимнлари ижро этилди.

Тамошабинлар дўст Афғонистон ҳукуматининг Бошлиғини ва совет раҳбарларини узоқ давом этган қарсаклар билан табрикладилар. (ТАСС).

М. П. ТАРАСОВ АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ САРДОР МУҲАММАД ДОВУДНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов 18 октябрда Кремлда Афғонистон Бош Министри Сардор Муҳаммад Довуд Жаноб Олийларини қабул қилди.

Бош Министрнинг Биринчи ўринбосари Сардор Али Муҳаммад, Ички ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон Ташқи ишлар министрлиги умумий сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак, шунингдек Афғонистоннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ғулом Яхё Тарзи Сардор Муҳаммад Довудга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Суҳбат вақтида Сардор Муҳаммад Довуд Афғонистон Қироли Муҳаммад Зоҳиршоҳ ҳазрат Олийларининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов номига ёзган мактубини М. П. Тарасовга топширди.

М. П. Тарасов мактуб учун самимий ташаккур билдирди ва бу мактубнинг К. Е. Ворошиловга топширилажагини айтди.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССРнинг Афғонистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. В. Дегтярь ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

№№	Звено, бригада ва совхозларнинг бўлимлари	Звено, бригада ва бўлим бошлиқларининг исми, фамилияси	Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши (гектаридан цент. ҳисобида)	Қўшимча олган мажбурияти
	ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ			
1.	«Ленин йўли» колхозининг звеноси	Қўшимов Дўстбой	33	8,0
2.	«Ленин йўли» колхозининг звеноси	Акбаров Мирисмоил	30	9,3
3.	«Ленин йўли» колхозининг звеноси	Сидиқов Талаббой	32	4,5
	ПИСКЕНТ РАЙОНИ			
1.	Калинин номли колхознинг звеноси	Норматов Қамбарали	30,8	8
2.	Калинин номли колхознинг звеноси	Отаханов Собир	30	5
	ГУЛИСТОН РАЙОНИ			
1.	Свердлов номли колхознинг бригадаси	Ли Семен	35,45	2,5
2.	Андреев номли колхознинг бригадаси	Илёсов Ҳасан	25,3	15
3.	Крупская номли колхоз звеноси,	Ҳақназаров Арслон	30	5
4.	Крупская номли колхоз звеноси	Бобоев Ризоқул	39	3
5.	Крупская номли колхоз звеноси	Эркабоев Абдумалик	45	5
6.	«Красний Восток» колхоз звеноси	Хамроев Мухрам	30,1	15
7.	«Красний Восток» колхоз звеноси	Усмонова Гулхон	30,1	10
8.	«Красний Восток» колхоз звеноси	Холбеков Қосим	30,5	10
9.	Свердлов номли колхоз звеноси	Холиқулов Рисқул	39,9	2,5
10.	Свердлов номли колхоз звеноси	Раимқулов Турдиқул	38,8	3
11.	Свердлов номли колхоз звеноси	Исмоилов Иброҳим	39	2,5
12.	Свердлов номли колхоз звеноси	Жўрабоев Оқил	35,9	3
	ВЕРХНЕ- ВОЛИНСК РАЙОНИ			
1.	Куйбишев номли колхознинг бригадаси	Рустамов Ҳаким	30	10
2.	К. Маркс номли колхознинг бригадаси	Муқимов Олимбой	35	8
3.	К. Маркс номли колхознинг звеноси	Алимжонов Эргаш	34	8,5
4.	К. Маркс номли колхознинг 6- звеноси	Раҳимов Ходжор	35	9
5.	«Победа» колхозининг звеноси	Нурматов Нуъмон	35	8
6.	«Победа» колхозининг звеноси	Бойбўтаев Эрмат	35	9,5
	БЕКОБОД РАЙОНИ			
1.	Крупская номли колхознинг звеноси	Давлатов Муллабой	30	8
	ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ			
1.	Куйбишев номли колхознинг звеноси	Эргашев Йўлдош	30,6	3
2.	«Ленинобод» колхозининг звеноси	Абдуқодиров Мамат	34,5	3,5

Илғор колхозлар давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар

Уртасарой. Райондаги энг йирик пахтакор колхозлардан бири ҳисобланган «Полярная звезда» колхозининг аъзолари 18 октябрь куни давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар. Колхозда бу йил 1000 гектар ерга чигит экилган эди. Колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилдилар, прогрессив методларни кенг қўлланган ҳолда механизация воситаларидан тўла фойдаландилар. Бу эса ғўза парваришини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга, мўл ҳосил етиштиришга имкон берди.

Колхозда ҳозиргача ҳар гектар ердан 29, 15 центнердан пахта териб олинди. Лекин далада ҳосил кўп. Шунинг учун колхоз аъзолари 23 октябргача 285 тонна пахта топшириб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажаришга, 25 октябргача яна 100 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Шу куни райондаги «XIX партсъезд» колхози ҳам давлат пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу колхоз аъзолари ҳозиргача ҳар гектар ердан 19,15 центнердан ҳосил териб олиб 290 гектар майдондан давлатга 570 тонна пахта топширдилар. Колхозчилар далада ҳали анчагина пахта борлигини эътиборга олиб терим суръатини ҳеч бир сусайтирмасдан 22 октябргача яна 68 тонна пахта топшириб социалистик мажбуриятни ҳам бажаришга аҳд қилдилар.

Оҳангарон. Калинин номли колхоз аъзолари 18 октябрда давлат пахта тайёрлаш планини 100,3 процент қилиб бажариб, ҳозир ўз зиммаларига олган социалистик мажбурият ҳисобидан пахта топширмоқдалар.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисобга олиб, пахта майдонининг ҳар гектаридан яна камида 5 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 19 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	1,24	70,34
6- «Кўкорол»	1,06	69,75
3- «Боёвут»	1,81	66,49
1-«Боёвут»	1,62	64,88
«Оққўрғон»	1,71	62,30
«ЎзССР беш йиллиги»	2,09	61,15
2- «Далварзин»	1,87	60,98
4- «Боёвут»	1,40	56,57
«Дружба»	0,76	55,62
1- «Далварзин»	2,09	55,53
4- «Вревский»	1,93	54,74
Булганин номли	0,51	49,30
1- «Фарҳод»	1,07	47,26
Бушуев номли	1,35	43,22

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 19 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	2,07	80,25	Октябрь	1,97	68,98
Орджоникидзе	2,14	77,91	Гулистон	1,78	67,95
Пискент	1,87	76,90	Янгийўл	1,94	67,53
Ўртасарой	1,86	75,70	Оққўрғон	1,71	67,05
Юқори Чирчиқ	2,07	75,36	Чиноз	1,64	66,18
Мирзачўл	1,68	72,79	Боёвут	1,59	63,81
Сирдарё	1,90	71,63	Ўрта Чирчиқ	1,67	63,15
Оҳангарон	1,66	70,95	Куйи Чирчиқ	2,09	61,15
Верхне -волинск	1,78	70,13	Бекобод	1,96	60,52
Бўка	1,88	69,96	Калинин	2,0	59,75

Н. А. БУЛГАНИН ВА Д. Т. ШЕПИЛОВ САРДОР МУҲАММАД ДОВУД ВА САРДОР АЛИ МУҲАММАД БИЛАН УЧРАШДИЛАР

19 октябрда Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Ташқи Ишлар Министри Д. Т. Шепилов Афғонистон Бош Министри Сардор Муҳаммад Довуд Ҳазрат Олийлари ва Афғонистон Бош Министрининг Биринчи Ўринбосари Сардор Али Муҳаммад билан учрашдилар.

Учрашув вақтида Совет томонидан СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Коллегиясининг аъзоси Л. Ф. Ильичев, Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири вазифасини ижро этувчи А. П. Павлов ҳамда СССРнинг Афғонистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. В. Дегтярь ҳозир бўлди. Афғонистон томонидан Афғонистон Ички Ишлар министри Абдул Ҳаким, Афғонистон Ташқи Ишлар министрлиги умум сиёсий департаментининг бошлиғи Абдул Раҳмон Пижвак ва Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Ғулом Яхё Тарзий ҳозир бўлди.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган учрашув вақтида Совет-Афғон муносабатлари билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикр олишув бўлди.

Н. А. БУЛГАНИН СЕРБИЯ ПАТРИАРХИ ВИКЕНТИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 19 октябрда Сербия православ черковининг патриархи Викентийни қабул қилди.

Патриарх Викентий билан бирга Добровосан митрополити Нектарий, Шумадий епископи Валериан, Браничев епископи Хризостом, Банатс епископи Виссарион, Югославия православ руҳонийлари иттифоқининг раиси протоиерней Милан Смилянич ва рус православ черковидан Херсон ва Одесса архиепископи Борис ҳам бор эди.

Қабул вақтида ЮФХР Иттифоқ ижроия вечесининг ички масалалари бўйича комиссия секретари Милое Дилпарич ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги рус православ ишлари Советининг аъзоси Г. Т. Уткин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Деворий газета ёрдам бермоқда

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бригада ва звеноларда пахта йиғим-теримини тобора қизитишда колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар катта роль ўйнаётир. Агитаторлар бригадаларда «жанговар варақа»лар чиқармоқдалар. Колхоз бошланғич партия, комсомол ташкилотлари ва правлениесининг органи «Пахта учун кураш» деворий газетаси ва унинг «Муштум далада» сатирик бўлими орқали пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчиларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда, пахтани териш ва тайёрлашда йўл қўйилаётган камчиликлар очиб ташланмоқда.

Газетанинг яқинда чиқарилган сонида колхозчи Б. Оқбердиевнинг «Илғор теримчилар» сарлавҳали мақоласи босилган. Унда илғор теримчилардан Ж. Салимбоева, А. Кучебоев, Т. Мавлонова, Х. Дўстматов, Т. Обидова, Ҳ. Ортиқова ва М. Ботиров ўртоқларнинг қандай қилиб ҳар куни 200-225 килограммга етказиб пахта тераётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади, бошқа теримчиларни улардан намуна олиб, унумли меҳнат қилишга даъват этилади.

Илғор 10-бригада бошлиғи ўртоқ А. Мадаминов газетага ёзган мақолада бригада аъзолари сентябрь ойида давлатга 50 ўрнига 60 процент пахта топширишга эришганликлари, улар йиллик планни ва олган мажбуриятларини октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ тўлиқ бажариб, Улуғ Октябрь байрамини пахта йиғим-теримини тўла тамомлаш билан кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилаётганликлари ҳақида гапирилади.

Газетанинг сатирик бўлимида эса Сотиболдиев, Бойчибоев, Элчибоев ва Тўлабоев ўртоқлар бошлиқ 1, 5, 6 ва 7-бригадаларда пахтани пайхон қилишга йўл қўйилаётгани, бу бригадаларда теримчилардан кўра хирмонлардаги одамларнинг сони кўплиги таъсирли карикатуралар ёрдами билан кўрсатиб берилган.

Деворий газета колхозда пахта йиғим-терими ва давлатга пахта топширишни янада тезлаштиришда партия ташкилоти ва колхоз правлениесига яқиндан ёрдам бермоқда.

А. РАЗЗОҚОВ,
С. САЛОҲИДДИНОВ.

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги корхона, муассаса ва қурилиш ташкилотларининг бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Коммунистлар ўтган давр ичида КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш юзасидан қилинган ишларга яқин ясаб, камчиликларни ҳам очиб ташлаётирлар.

Иккинчи пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида илғор тажрибани кенг оммалаштириш, техника прогресси учун кураш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Коммунистлардан Тарценко, Левитас ўртоқлар корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш қонқарсиз аҳволда эканини, партия ташкилоти ва дирекция умумий кўрсаткичларга берилиб кетганини, белгиланган ташкилий-техника тадбирлари сust амалга оширилаётганини кўрсатдилар.

— Учинчи цехда, — деди ўртоқ Расулов, технологик тадбирлар қониқарсиз амалга оширилаётир. Бу цехда меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида йил бошидан янги платформа ўрнатиш мўлжалланган эди. Аммо у ҳали ҳам ўрнатилгани йўқ. Шунинг учун цехда ишланган маҳсулотнинг сифати паст бўлаётир. Бу масала фабрика партия ташкилотини ташвишлантирмаётир.

Коммунист ўртоқ Нурмуҳамедов бундай деди:

— Корхонамиз коллективи 8 ойлик планни муваффақиятли бажариб, пландан ташқари 10 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарди. Бу, албатта яхши. Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Шуни айтиш кифояки, ўтган 8 ой давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот сортларининг пасайтирилиши, қайтаган ишланиши туфайли корхонамиз 149 минг сўм зарар кўрди. Маҳсулот сифатини яхшилашда ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш, айниқса рационализаторлик ҳаракатини кучайтириш катта роль ўйнайди. Бироқ бизда бу масалага етарли эътибор берилмайди. Шунинг учун ҳам шу кунгача тушган 61 та рационализаторлик таклифидан фақат 22 таси амалга оширилиб, қолгани ҳаракатсиз ётибди.

— Янги моделларни ўзлаштириш ниҳоятда қониқарсиз бораётир, деди коммунист ўртоқ Расулов. — Фабрикамизда маҳсулотнинг айрим турлари бўйича давлат плани бажарилаётир. Аммо ассортимент бўйича план йил бошидан бери бажарилмай келади. Бунинг асосий сабаби ўртоқ Нуронов раҳбарлик қилаётган лаборатория бўлими моделларни ўз вақтида ўзлаштирмаётганидадир. Ишчилар цехларда ва фабрикала ўтказилган йиғилишларда лаборатория бўлимининг ишини яхшилашни бир неча марта талаб қилдилар. Лекин фабрика партия ташкилоти бунга эътиборсиз қараб келаётир. Бу муҳим масала шу чоққача на бюро мажлисида ва на умумий партия йиғилишида муҳокама қилинмай келинаётгани бунинг далилидир.

Коммунистлар корхонала илғорлар тажрибасини оммалаштириш ёмон аҳвола эканлигини, смена ва ойлик топшириқларни системали равишда ошириб бажариб, ҳомашёни тежашда яхши кўрсаткичларга эришаётган Ботлин, Степанова, Неминский, Одилов, Ҳасанова, Андреева ўртоқлар сингари ишлаб чиқариш новаторларининг сафини кенгайтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмаётганини, цехларда оммавий-сиёсий ишлар сust олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаб кўрсатдилар.

Биринчи босмахона партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътибор янги техникани ўзлаштириш ва технологик тадбирларни амалга ошириш масаласига қаратилди. Коммунистлардан В. Абдужабборов, М. Мансуров ўртоқлар партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарларини корхонадаги мавжуд механизмларнинг қувватидан тўла фойдаланиш юзасидан зарур чоралар кўрмаётганликлари учун қаттиқ танқид қилдилар.

Энг сўнгги техника асосида яратилган ДПИ маркали печать машинаси арзимаган сабаб билан 7 ой, Ротацион машина эса 3 ой бекор турди. Ҳарф териш цехида қўл меҳнатини кўплаб қисқартиш имкониятини берадиган линотип ва монотип машиналари ўрнатилмоқда. Лекин ана шу олинаётган янги механизмларни ўзлаштириш ва уларнинг қувватидан тўла фойдаланиш ёмон аҳволда. Бу цехда давлат плани механизмлар ёрдами билан эмас, балки қўл кучи билан қилинаётган иш ҳисобига бажарилаётир.

Муқова цехидаги айрим иш процесслари йил бошида прогрессив метод — поток системасига қўчирилиш мўлжалланган эди. Аммо ишлаб чиқариш процессини такомиллаштириш томон қўйилган бу дастлабки қадамни дадил давом эттириш ўрнига, яна эски усулда ишлашга ўтилди. Шунинг учун бу цехда давлат планлари системали равишда бажарилмай келади.

Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлардан Усмонов, Тоштемиров, Гойпов ўртоқлар корхонада 9 ойлик планнинг бажарилмай қолганига асосан ишлаб чиқаришнинг тўғри ташкил этилмаганлиги сабаб бўлганлигини кўрсатдилар. План бўлими тузган график билан ишлаб чиқариш бўлимининг графиги бир-бирига тўғри келмайди. Шунинг натижасида штурмчилик авж олмоқда.

Коммунистлар партия ташкилотининг (секретари ўртоқ Юнусов) раҳбарлик стилидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар. Улар партия йиғилишларида қабул қилинган қарор ва белгиланган амалий тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилмаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, йиғилишда партия ташкилотининг эътибори босмахонада кадрларнинг ишлаб чиқариш малакасини оширишга етарли эътибор берилмаётганига, техника ўқуви ташкил этилмаганига ва цехларда оммавий-сиёсий ишлар бўш қўйилганлигига жалб қилинди.

Райондаги бирқатор корхона, муассаса партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ички демократиясига, меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашга тааллуқли масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар сиёсий агитация, партия пропагандаси кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифалари билан боғлаб олиб борилмаётганини кўрсатмоқдалар. Бу соҳадаги ишни тубдан яхшилашга ёрдам берувчи амалий таклифлар киритмоқдалар.

Шунингдек, коммунистлар район партия комитети ва унинг бўлимларини бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар ва омма билан яқиндан алоқада бўлмаётганликлари, корхоналарга конкрет раҳбарлик қилмаётганликлари учун танқид қилмоқдалар. Улар партия ташкилотларидан, район партия комитетидан партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни тубдан қайта қуришни, унинг кўламини ва савиясини КПСС XX съезди қарорларида белгиланган улуғвор вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишни таъ-минлайдиган даражага кўтариш юзасидан зарур чоралар кўришни талаб қилмоқдалар.

З. ШОКИРОВ.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

Жўлмирза ОЙМУРЗАЕВ.

ПАХТА

Баҳор фасли, ёз ойининг чиройи,
Водиларнинг кўрки, чаманн — пахта.
Улкамизнинг доврўқ солган қизлари,
Қувнаб-қувнаб, келинг, терайлик пахта.

Қулф уриб кулиб
Очилган пахта.
Лўппи юзли қиздай
Сочилган пахта.

Пахта билан ортди шарафшонимиз,
Пахта хонамизга нур берган чироғ,
Пахтадир жонажон гул диёримиз,
Пахта — қўлимизда порлаган байроқ.

Қулф уриб кулиб
Очилган пахта.
Лўппи юзли қиздай
Сочилган пахта.

С. Худойберганов таржимаси.

У. ХУЖАНИЁЗОВ.

ЧЎПОН

Тоғ этаги, бу кенг яйловда
Ўтлаб юрар қўзилар, қўйлар,
Ҳар бир туёқ нўзи ўнгида,
Қувонч берар ажойиб уйлар.

Агар туғса қўйлари эгиз,
Қўшалоқлаб олса шерози,
Қўргазмада қилинса кўз-нўз,
Эл-юрти ҳам бўлажак рози,

Қўйларини ҳайдаги чўпон,
Қум яйловдан сувнинг бўйига.
Йўл бошлади кўк қўчқор шу он,
Қўйлар бирдан эргашди унга.

Ойлар ўтди боқимда шу қўй,
Келди баҳор, ёнди юлдузлар.
Чўпон боқкан ҳар бир соғлом қўй,
Туғиб берди эгиз қўзилар.

Эркин ўсиб-унди яйловда,
Ҳамма ёқни босди қўй-қўзи.
Ўтлоқ излар чўпон ҳар ерда,
Қўйлари тўқ деман шод ўзи.

... Август. Ёзнинг энг сахий ойи,
Москвага йўл олди чўпон.
Ватанидан у ҳам минг рози,
Берган шунча обрў ва имкон.

Бу бахтли сафаридан шод,
Унутмайди чўпон қўйларин.
Кўкда учиб борарди, аммо
Яйлов, қишлоқ эди ўйлари.

Мамарасул БОБОЕВ таржимаси.

П. ТЛЕГЕНОВ.

Мен ҳам шуни кутардим

Боғдан олдим даста гул,
Суйганимга тутай деб.
Денгиз шовуллар буткул,
Турдим уни кутай деб.

Шу он келиб бир қайиқ,
Тўхтаб қолди олдимда.
Йигит менга хўп лойиқ,
Учраштани ёнимда.

Юрагим дук-дук уриб,
Зўрга босдим ўзимни.
У салом деб телмуриб,
Айтди шундай сўзини:

— Юр жоним, овлаб бадиқ,
Сузайлик денгиз бўйлаб.
Сувда моторли қайиқ,
Турар лапанглаб, ўйнаб.

Ёр таклифи ёқди, соз,
Мен ҳам кутардим шуни,
Шабадалар этиб ноз,
Эллар денгиз тўлкини...

Қудрат ҲИКМАТ таржимаси.

25 октябргача 400 минг тонна пахта тайёрлайлик!

☆ ☆ ☆ ☆

Суръат ва имконият

Боёвут райони Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида ташкил этилган йирик пахтакор райондардан биридир. Район пахтакорлари бу йил 21 минг гектардан ортиқ ерда пахта етиштириб, ҳар гектар ердан 25,2 центнердан ҳосил топириш ҳақида оширилган социалистик мажбурият олганлар.

Ҳозир район колхозларида ва совхозларида катта майдонларда етиштирилган мўл пахта ҳосили пешма-пеш йиғиб-териб олинмоқда. Пахтакорлар, механизаторлар, Тошкент шаҳридан ва бошқа районлардан келган ёрдамчилар пахтазорларда эўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Бутун куч ва воситаларни ҳисоблаб чиқиб, уларнинг ҳаммасини пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этган колхоз ва совхозлар давлатга пахта тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Йиллик пахта тайёрлаш планини 15 октябрдаёқ ошириб бажарган Молотов номли колхоз ана шундай йирик, юқори ҳосилли колхозлардан биридир. Бу колхознинг азамат пахтакорлари пахта йиғим-теримини дастлабки кунларданоқ эўр уюшқоқлик билан олиб бордилар. Меҳнатни тўғри ташкил этиб, ўзаро социалистик мусобақа йиғилишларида колхозларда ва совхозларида ҳар куни олинган юксак мажбуриятнинг 2-2,5 процентмиқдорида пахта тайёрлаб, қўшни колхозлардан ўзиб кетдилар.

Ҳали колхознинг пахта далаларида ҳосил мўл. Колхозчилар ҳар гектар ердан яна 7-8 центнердан ҳосил йиғиб олишга аҳд қилиб, ана шу юксак мақсад йўлида терим суръатини кундан-кунга кучайтираётирлар.

Райондаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳам ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, барча имкониятларни теримга сафарбар этган ҳолда мусобақадаги Молотов номли колхоз билан тенглашиб олиш учун ғурашмоқдалар.

Демак, район колхозлари ва совхозларида ҳар куни 2,5-3 процент миқдорида пахта териш, йиллик планни муддатидан илгари бажариш, учун барча имконият мавжуд. Олинган мажбуриятдан ошириб ҳосил беришга етаётган мўл пахта ҳосили ҳали далада. Бироқ районнинг бир қатор колхозлари ва совхозларида бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ҳозирги қулай вақтлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётир. Райондаги Ленин номли, Сталин номли колхозларнинг, 1- «Боёвут», «Фарҳод», «Дружба» совхозларининг пахта далаларини айланган ва бу ерларда олиб борилаётган ишлар билан танишган киши ана шу аҳволни аниқ тасаввур қила олади.

Ленин номли колхозда (раиси Э. Абдусаломов, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Ўрмонов ўртоқлар) кунига фақат 0,6-0,7 процент миқдорида пахта топширилмоқда. Хўш, далаларда ҳали ҳосил мўлгитга, пахталар яхши очилганлигига қарамай, нима учун суръат шу қадар пасайиб кетди? Бунга асосий сабаб шуки, колхоз раҳбарлари амалий раҳбарликни унутиб, ҳайбаражаллачи бўлиб қолдилар. Ҳозир колхозда 500 га яқин теримчи бор. Агар уларга қулай иш шароити яратиб берилса, ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилса, амалий раҳбарлик, контроллик ва талабчанлик кучайтирилса, ҳеч шубҳа йўқки, белгиланган кундалик норма ортиги билан бажарилади!

Колхознинг ўртоқ Б. Норқулов бошлиқ бригадасида теримга 24 киши ажратилган, лекин теримга фақат 12 киши қатнашмоқда. Ҳар бир теримчининг бир кунлик терган пахтаси 30-35 килограммданга эўрга тўғри келади. Нега бу бригадага аҳвол шунақа? Ўртоқ Б. Норқулов ишга чиқмаган кишилардан сабабини суриштирмайди, талабчанлик қилмайди, теримга чиққан кишилар ни эса аввалдан белгилаб қўйилган — пахтаси яхши очилган қарталарга юбориш ўрнига, дуч келган ердан теримга тушираверади, ўзи ва табелчи бошлиқ 7-8 киши ҳаммавақт хирмонда чойхўрлик қилади, теримда эса 8-9 хотин-қизлар кўзга ташланади.

1-«Боёвут» совхозида пахта йиғим-терими суръатининг пасайиб кетишига, қўшни 3-«Боёвут» совхозидан орқада қолишига асосан машина билан пахта теришга мутлақо аҳамият берилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хўжаевнинг айтишига қараганда, мавсум бошида 4600 гектар ернинг пахтасини машина билан териб олишга қарор қилинган. Бунинг учун қанчадан-қанча маблағ сарфланиб, 74 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилди, 4000 гектар майдондаги ғўзалар дефолация ҳам қилинди, дефолация қилинган ғўзалар барглариии тўкиб, пахталари чамандек очилиб, машина билан теришга тахт бўлди. Афсуски, совхоз раҳбарлари (директори А. Ўрқобоев, бош агрономи М. Бухтиёр, бош инженери А. Ялпчкин ўртоқлар) терим машиналарини 4000 гектарнинг ҳаммасига эмас, фақат 500 гектарига туширидилар. Универсалчилар ҳам қатъий талабчанлик ва контроллик бўлмаганидан шу майдонлардаги пахталарни чала-чулпа теріб чиқтилар.

Биз совхознинг Н. Умиров, К. Ботиров, Г. Шукуров ўртоқлар бошлиқ бўлган бўлимларининг пахта далаларини айланганимизда дефолация қилиниб, пахталари чамандек очилган пайкалларни кўрдик. Бу ерларнинг пахтасини машина терса жуда ҳам яхши бўларди.

— Нима қилайлик, — дейди кулиб, совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хўжаев, — ёрдамчилар роса келяпти...

Совхоз раҳбарлари шаҳар меҳнаткашлари ёрдамга келганларидан кейин, барибир, анди қўл билан териб ултирамиз, деган хом хаёл билан терим машиналаридан воз кечганлар. Ахир, шаҳарликлар совхознинг кучига-куч қўшилсин, терим суръати ошсин, план эртароқ бажарилсин, деб ёрдамга келганларку!

Машиналар тўхтаганидан кейин совхозда терим суръати сезиларли даражада пасайиб кетди. Илгари орқада бўлган 3-«Боёвут» совхози пахтакорлари бу совхоздан ўтиб кетдилар.

1-«Боёвут» совхозида ҳар куни олинган янги мажбуриятга нисбатан 2,5-3 процент пахта тайёрлаш имконияти борлигига қарамай, кунига мўлжалдагидан кам пахта топширилмоқда.

«Фарҳод» совхозининг директори ўртоқ Саид Полвонов: «Йиллик пахта тайёрлаш планимизни ошириб бажарамиз», — дейди. Директор ўзининг бу ишончига даладаги ҳосилни мисол қилиб кўрсатади. Ердаги ҳосил йиғиб-териб олинмаса, ваъда қуруқ ган бўлиб қолаверади. Совхозда пахта териш ва топшириш ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан олиб борилмоқда. Директор С. Полвонов, совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Юсупов, ишчилар комитетининг раиси Ш. Мавлонов, бош агроном С. Мирсоатов ўртоқлар бўлимлардаги аҳвол билан яхши таниш эмаслар. Улар йиғим-теримни ташкил этишда ва пахта тайёрлаш суръатини тезлаштиришда талаббус кўрсатиб ишламаётирлар. Раҳбарларнинг фаолиятсизлиги совхозда пахта тайёрлашнинг пасайиб кетишига таъсир қилмоқда. Совхоз ҳар куни 0,5-0,6 процент миқдорида пахта тайёрламоқда, холос.

«Дружба» совхози ҳақ пахта тайёрлашда орқада қолаяпти. Совхоз директори Ж. Нуриддинов ва бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Муҳаммеджонов ўртоқлар «пахта очилмаяпти» деб важ кўрсатадилар. Октябрь ойининг иккинчи ярмида пахтанинг очилмаяпти дейилиши масъулиятни елкадан соқит қилиш демакдир. Совхознинг 700 гектар пахтазорида ҳар куни кўплаб териш учун етарли ҳосил бор.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, етиштирилган ҳосилнинг ҳали ярмидан кўпи йиғиб-теріб олинмаган. Ҳар куни 2,5-3 процент миқдорида пахта тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Районда 252 та пахта териш машинаси бор. Бундан ташқари, районда кўп минг киши-лик ёрдамчилар ишламоқда. Об-ҳавонинг қулай бўлиши, пахтанинг яхши очилганлиги суръатни янада тезлаштириш имкониятини беради.

Масала пахтани йиғиб-теріб олишни ташкил этишда қолган. Афсуски, йиғиб-теріб олишни ташкил этиш эса ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермайди. Пахта териш машиналарининг деярли ҳаммаси, уватларда бекор турипти.

Боёвут МТСининг директори А. Бараев ва бош инженери И. Кириллин ўртоқлар пахта териш машиналарининг бекор туриш сабабларини ўрганиш ўрнига, сводка тўплаш, колхозма-колхоз юриш билан вақт ўтказмоқдалар.

Каганович номли колхозда бир қанча вакил бор. Улар далада йиғим-терим ишини ташкил этиш ўрнига, нуқул сводка тўплаш билан бандлар.

Вакиллар келишди,
Ёрдамга киришди,
Қўлларида дафтар,
Теримдан бехабар...

Н. Меламед чизган расм.

Жданов номли, Сталин номли ва бошқа колхозларда машина билан териш учун қўплаб пахта борлигига қарамай, бу колхозларда техника кучидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмаётир.

Колхозларда ва совхозларда йиғим-теримни ташкил этишда оператив раҳбарлик сезилмаётир. Теримчилар ўз майилларича иш олиб бормоқдалар. Ишга кеч чиқиш ва даладан эрта қайтиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бунинг учун Каганович номли колхозни мисолга олиб кўрайлик. Бу колхозда 520 киши ишлайди. Шундан 340 киши пахта йиғим-теримига тайинланган. 100 дан ортиқ киши хирмон иши билан банд. Колхозда бир кунлик терим нормаси 80 килограмм белгиланган. Колхозда ҳар куни терилаётган пахта эса ҳар бир кишига 50 килограммдан тўғри келади. Бу рақам колхозда терим графиги барбод бўлаётганлигини кўрсатади.

Каганович номли колхозда йиғим-терим суръати кундан-кун пасайиб бормоқда. Колхоз раиси Зокир Шокиров, бошланғич партия ташкилотининг секретари Сафар Ўмонов ва шу колхозга вакил бўлиб келган Т. Саидаҳмедов, Файзий ва Сидиқов ўртоқларни дала шийпонларида ва хирмонларда кўрасиз. Уларнинг ҳаммасида сводка, уларнинг ҳаммаси «пахта жўнатиш билан банд» бўлиб, даладаги аҳволдан хабар олмайдилар. Бунинг натижасида колхозлаги ҳамма куч ва воситалар пахта йиғим-теримига тўлиқ жалб қилинмаган.

Боёвут районининг пахтакорлари бу йил давлатга 57 минг 700 тонна пахта етказиб бериш ҳақида оширилган мажбурият олдилар. Бу шарафли вазифани ўз вақтида бажариш учун район партия ва совет ташкилотлари бутун куч ва воситаларни пахта териш ва тайёрлашга тўла сафарбар этишлари керак.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг Бутуниттифоқ кенгаши

18 октябрда рационализаторлар, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг Бутуниттифоқ кенгашида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтиролар ва кашфиётлар ишлари комитети раиси ўртоқ А. Ф. Гармашевнинг КПСС XX съездининг қарорлари муносабати билан рационализаторлик ва ихтирочилик ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этди. Кенгаш қатнашчилари ихтирочилик ва рационализация ишларининг аҳволини танқидий нуқтаи назардан анализ қилдилар, иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар, камчиликларни тугатишга қаратилган таклифларни киритдилар.

Эрталабки мажлисда Сталинград трактор заводининг темирчиси ўртоқ **Н. Ф. Бородин** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У ўзининг рационализаторлик таклифлари ҳақида, биринчи қаришда аҳамиятсиз бўлиб кўринган такомиллаштириш тадбирлари меҳнат унумдорлигини 20-25 процент ошириш, кўпгина металлни тежаш имкониятини берганлиги ҳақида сўзлади.

Березники азот-ўғит заводининг бош инженери ўртоқ **П. Н. Ковтун** айтдики, партия XX съездидан кейин корхоналарнинг коллективлари техника прогресси учун курашни кучайтирдилар. Березники заводида аммиак селитрасининг янги сорти яратилди, бу янги сорт жуда катта аҳамиятга эга. Бу ишни корхонанинг инженер-техник ходимларидан катта бир группаси илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда амалга оширди. Новаторларнинг эътибори фақат янги техникани яратиш ва уни мукаммаллаштиришгагина эмас, балки моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам қаратилиши лозим. Бу — шу кунинг муҳим вазифасидир.

Рангли металлургия ишчилари касаба союзи Марказий комитети ҳузуридаги оммавий ишчилар ихтирочилиги комиссиясининг раиси ўртоқ **А. А. Гайлит** ихтирочиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар тўғрисида гапирди. Нотиқнинг фикрича, ихтиролар ва техникани такомиллаштириш тўғрисидаги низомнинг айрим моддаларини, яъни ихтирочиларнинг ишини активлаштиришга ёрдам бермайдиган моддаларини қайтадан кўриб чиқиш керак.

Москвадаги «Красний Октябрь» фабрикаси новаторларининг ишидаги хусусият — коллектив ижодчиликдир, деди ўз нутқида бу корхонанинг механиги ўртоқ **В. В. Железнова.** Техника соҳасидаги у ёки бу вазифани ҳал этиш устида одатда ишчи ва мутахассислардан иборат комплекс бригада ишлайди. Коллектив ижодчилик туфайли бизда ускуналар, технология мукаммаллаштириб борилмоқда. Фабрикада карамель ишлаб чиқариш учун поток линияси ташкил қилинган. Ана шундай поток линиясининг ишлаб турган модели Бутуниттифоқ саноат виставкасида кўриш мумкин.

Фабрика «Золотой ключок» деган ярис ишлаб чиқармоқда. Бу участкада ҳамма поток линиялари бирлаштирилган. Ҳозир йиғувчи транспортерга ҳар минутда 7,5 минг дона ўралган конфет тушиб турибди. Мана бунинг ҳаммаси ўртоқ Бондарева бошчилигида новаторларнинг ташаббуси билан амалга оширилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **В. И. Залужнийга** сўз берилади. Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ватанпарварлик ҳаракатида, — дейди у, — ёшлар муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, кемасозлик саноатининг новаторлари орасида ёшлар 45 процентни, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида ёшлар 30 процентдан кўпроқни ташкил этади. Кўпгина завод ва фабрикаларда кейинги вақтда ёш рационализаторлар ва ихтирочилар сони 2-3 баравар кўпайди.

Комсомол ташкилотлари ёш рационализаторлар ва ихтирочиларнинг комплекс ижодчилик бригадаларини тузишда актив қатнашмоқдалар. Горький шаҳридаги корхонадаги ана шундай 125 та бригада, Киевда 100 дан ортиқ бригада тузилган.

ВЛКСМ Марказий Комитети кейинги вақтда ўқувчи ёшларни техника ижодига жалб қилиш соҳасида бир қанча тадбирларни кўрди. Москвада ўқувчи ёшларнинг техника ижодига доир доимий виставка очишга қарор қилинди. Яқинда ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Юний техник» («Ёш техник») деган янги журнали нашр этила бошланди.

Москва-Рязань темир йўлининг автотормозлар инструктори ўртоқ **Н. Ф. Алибин** ўз нутқини темир йўл транспортидаги новаторларнинг ишига бағишлади. У бундай деди: ишни шундай ташкил қилмоқ керакки, мутахассислар ихтирочиларга рационализаторлик таклифини техника жиҳатдан асослаб беришда, чертёжларни расмийлаштиришда, нусхаларни тайёрлашда иш устида ёрдам берсинлар.

Илмий техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси ўртоқ **В. Г. Силуянов** ўз нутқида жамиятларнинг рационализация ва ихтирочилик соҳасидаги фаолиятини таърифлаб берди. Жамиятлар техника консультацияларини тез-тез ўтказиб турадиган бўлиб қолдилар, рационализаторлик ишлари кўрикларида актив қатнашмоқдалар, министрликлар ва идоралар билан биргаликда энг яхши таклиф, ихтиро ва шу кабилар учун конкурслар ўтказмоқдалар.

Москвадаги қаттиқ эритмалар комбинатининг бригадири ўртоқ **В. С. Кузнецов** ўз иш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Унинг комплекс бригадаси 1948 йилда ташкил қилинган. Бригада составида конструкторлар, техник, слесарь ва механик бор. Улар саноатда қаттиқ эритмалар процессини механизациялаш ва автоматлаштириш вазифасини ўз олдиларига қўйганлар. Бригада аъзолари ҳафтада икки-уч марта қеҳқурулари тўпланиб, айрим техника масалаларини ўрганмоқдадар. Улар саккиз йил мобайнида 15 та катта ишни тамомлаганлар, миллионларча маблағ тежалган. Ўртоқ Кузнецов новаторларнинг йўлида сансалорлик ва бюрократизм ҳоллари учраётганлигини кўрсатувчи бир қанча мисолларни келтирди. Бундай ҳол шунинг учун юз бераётирки, ҳали бюрократлар масъулиятга старли даражада тортилмаётирлар, деди у.

Пландан ташқари 1000 центнер пахта

БЎСТОНЛИҚ, (телефон орқали олинди). Райондаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Мирахмад Ёдгоров бошлиқ 4-бригадаси районда биринчи бўлиб муддатидан илгари йиллик пахта тайёрлаш планини 100 процент бажарди. Бригада 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил териб олди.

Бригада аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга ҳар гектаридан яна 13 центнердан, ҳаммаси бўлиб пландан ташқари 1000 центнер пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

Гектаридан 50 центнер пахта топширилади

Янгийўл районидаги Маленков номли колхознинг Илҳом Йўлчиев бошлиқ звено аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, дастлабки муваффақиятга эришдилар. 20 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 39 центнердан пахта олиниб, план ошириб бажарилди.

План тўлган бўлса ҳам звено даласида ҳали ҳосил кўп. Мавсумда 15-20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган Ф. Гиззатуллина, О. Тўхташева, М. Маскова ўртоқлар кунига 180-200 килограммдан пахта териб, звенода социалистик мажбуриятнинг ҳам ошириб бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Буларнинг ҳар бири шу кунгача 11-14 тоннадан пахта терди.

— Ҳали даламизда ҳосил мўл, — дейди звено бошлиғи, комсомол аъзоси Илҳом Йўлчиев, — биз пландан ташқари гектаридан яна 11 центнердан ҳосил йиғиб оламиз. Гектаридан олинган ҳосилни 50 центнерданга етказамиз.

Улуғ Октябрь байрамини муносиб совға билан кутиб олиш учун курашаётган бу илғор пахтакорлар ҳозирги пайтда мажбурият ҳисобига пахта топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Мавлон АБДУЛЛАЕВ.

МИРЗАЧЎЛНИ БУТУНЛАЙ БЎЙСУНДИРАМИЗ

ОЛИМЛАР—МИРЗАЧЎЛГА!

Суратда (чапдан): техника фанлари кандидатлари **Ф. Л. Гленкель, И. Х. Колонтаров** ва химия фанлари кандидати **Маннон Ғуломов** ўртоқлар Мирзачўлда янги ўзлаштирилган районларнинг тупроғига қўмилган турли цементларнинг сувни шимиш процессини текширмоқдалар.

И. Гильдин фотоси.

☆

Ўзбек халқи Партия ва Ҳукуматнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини жанговар программа деб қабул қилди. Инженерлар ва техниклар, фан ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мамлакатимиз учун ғоят муҳим бўлган бу вазифани техника ва илмий жиҳатдан юксак даражада, тежаб-тергаб харажат қилиш ва белгиланган муддатларда ҳал этиш учун ҳамма чораларни кўришни халқ олдидаги ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар.

(«Ўзбекистон интеллигенцияси биринчи съезднинг Мурожаати»дан).

☆

УМУМХАЛҚ ИШИГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Мирзачўл олимлар диққатини узоқ вақтдан бери жалб қилиб келади. Биологлар ва агрономлар учун Мирзачўл анча таниш бўлса, геологлар, ирригаторлар ва қурувчилар учун ҳали у ерда ўрганилмаган, ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар жуда кўп.

Биз Мирзачўлни суғорсак, баъзи жойларни шўр босиб кетади, уй қурсак, кўпинча емирилади ёки қулаб тушади. Бундан қандай қилиб қутулиш керак? Бунинг учун Мирзачўлнинг геологик тузилишини яхши билишимиз зарур.

Ер ости сувларининг пайдо бўлишини изоҳлаш учун сувнинг изотоп таркибини улгуржисига аниқлаш методини қўллаймиз. Сувнинг изотоп таркибини маспектрограф ёрдами билан айрим-айрим аниқлаш методи қўлланилаётган ҳозирги пайтда ҳали сув таркибини улгуржисига аниқлаш методи Мирзачўлнинг геологик тузилишини биз тахмин қилгандан ҳам мураккаб деб ўйлашимизга асос беради.

Мирзачўлнинг шарқида, Бекободда, Сирдарёда илгарилари шаршаралар бўларди, сув Чиноза келганда қиргоқлари паст жойдан оқиб, Чордорда, яъни шимоли-ғарбда эса ингичка води ҳосил қилиб, баланд қиргоқларни кесиб ўтади. Шунга асосланиб, ер пўстлоғи Бекобод ва Чордорда пастга тушар экан деб хулоса чиқара оламиз. Шундай қилиб, Мирзачўл тўрт хил сувни шимган, қумқалар билан тўлган коса шаклидаги улкан дўнгликка ўхшайди.

Илгари Сирдарё қаердан оққан, Мирзачўлдан эмасмикин? Ё ҳозирги изидан оққанмикин, ё бўлмаса унинг асосий ўзани Хильково—Жизах темир йўли ёқасидан ўтганмикин? Бу саволга ҳамон жавоб топилгани йўқ.

Ер ости сувларининг ҳаммаси Чордорга кетармикин ёки унинг бир қисми Тузкони кўлининг ғарбига бурилиб кетармикин? Мирзачўл косасининг чуқурлиги қанча экан, ундаги сувнинг қанча қисми тузланишга сарфланаркин?

Агар Мирзачўл ўрнида кўл бўлганида сувнинг аста-секин бугланиши натижасида унда тузларгина эмас, балки сувнинг оғир изотоплари ҳам тўпланиб қолган бўлур эди. Лекин ёмғир пайтида тўпланган жинслар билан тўлган Мирзачўл косасидаги процесс бошқача бўлади. Сув ер юзига чиқмагунча бугланмайди, ер юзасига яқин сув бугланади, унинг таркибидаги тузлар эса тупроқда ажралиб қолади, лекин оғир сувнинг тўпланиш процесси юз бермайди. Шундай қилиб, Мирзачўлнинг усти каттакон, табиий буғлантирувчи массивга айланган. Сувни буғлантирмаслик учун ер остидаги сувларнинг кўтарилишига йўл қўймаслик керак.

Биз Мирзачўлни суғориб, ер остидаги сувларининг кўтарилишига ва шу билан бирга, ерларнинг шўрланиб кетишига сабабчи бўламиз. Шунинг учун ҳам суғориладиган сув билан ер ости сувларини бир-биридан ажратиб қўйишимиз лозим. Шунда қўшимча шўрланиш процесси юз бермайди. Лекин бундай ажралишни юзага келтириш жуда қийин. Бунинг учун ер ости сувларининг келиб чиқиш шароитларини ва режимини билиш керак. Бу жуда мураккаб проблемалардан бўлганлиги учун барча илмий-текшириш ишларини координация қилиш лозим.

Ҳозирги далиллар асосида йирик масштаблик геологик, гидрогеологик, геохимик, геофизик, литологик ва бошқа карталарни тузишимиз лозим. Бу ишлар натижасида қандай сувлар шўрланишга кетишини, қандай сувлардан ичиш учун фойдаланиш мумкинлигини англаймиз.

Баъзи ер остидан ўталиган оқимлар учун махсус тўғонлар қуриб, улар ёрдами билан ер ости сувларини ер юзига чиқариб, Мирзачўл ер ости сувларининг тўпланишини тўхтатган бўламиз. Фильтрлашнинг баъзи конкрет масалаларини ҳал қилиш учун нишонли атомлар методини қўллаймиз.

Бу тадбирлар Мирзачўлда туз тўпланиши асло юз бермаслиги учун уни тўбдан мелиорация қилиш имконини беради.

Ҳозирча чинакам мелиорация йўқ, ҳали Мирзачўл тузларининг минерал составларини яхши ўрганишимиз керак. Биз бу тузлар таркибида сульфатлар, хлоридлар ва карбонатлар борлигини биламиз, лекин ҳали уларни индивидуаллаштиришганимиз йўқ. Бу ҳам зарур ишлардан. Бу тузлар экинзорларгагина эмас, биноларга қуришга ҳам катта зарар келтиради, иморатларнинг асосларини ва деворларини емиради. Мустақил ва муҳим масалалардан бири маҳаллий материаллардан, шу жумладан тупроқлардан фойдаланишдир. Ўзлаштирилиши керак бўлган Мирзачўл майдони асосан соз тупроқ билан қопланган. Тупроқнинг бу тури гидротехник ва граждан иншоотлари қурилишида кенг қўлланилади.

Гидротехник ва граждан иншоотлари учун ишлатиладиган тупроқ турли талабларга жавоб бериши керак. Шу сабабдан рационал ва техник жиҳатдан тўғри фойдаланиш мумкин бўладиган тупроқ типининг қурилиш хусусиятлари ҳақидаги барча билимларни тўплаш ва уларни чуқур ўрганиб, якунлаш керак.

Шўрланган тупроқларнинг кўп тарқалганлигини ҳисобга олиб, қурилиш учун яроқли-яроқсизлигига, уларнинг шўрланмаган тупроқлардан фарқ қилувчи хоссаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Мирзачўлнинг ўзига хос гидротехник шароитлари граждан иншоотларини қуришда ишлатиладиган турли қурилиш материалларининг чидамлилигини диққат билан ўрганишни талаб қилади.

Мирзачўлда қурилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, қуруқ ва иссиқ иқлим капилляр-шимилувчи сувнинг бугланиш процессини жуда кучайтириб юборади. Бунинг натижасида иморатларнинг айрим қисмлари (масалан, цоколи) ҳатто тузга чидамли материаллар қўлланганда, ҳам мустаҳкам бўлмаслиги мумкин. Бу ҳодиса сувнинг капилляр сергишини тугатиш учун махсус чоралар ишлаб чиқишни талаб этади.

Иккинчи томондан тузлар фақат зararли бўлмай, фойда келтириши ҳам мумкин. Сизот сувлар тушадиган улкан ҳовузлардан тузни химик ҳомашё сифатида қазиб олиш ҳам мумкин.

Бизнинг давримизда механизация шу қадар ривожланганки, унинг ёрдами билан Мирзачўлни шўрлантирмайдиган қилиб мелиорациялаш мумкин. Биз Сирдарё, Оҳангарон, Чирчиқ сингари дарёларнинг ва бошқа бир қатор анҳорларнинг айрим оқим сифатида ҳам ер остида, ҳам ер устида оқишини биламиз. Ер остидан оқадиган бу оқимларни Мирзачўлнинг ўзида эмас, балки ер ости дарёларининг юқорисида бўғиб, уларнинг сувини ер юзига чиқариш мумкин. Ўшанда Мирзачўлнинг ер ости сувларини табиат эмас, балки инсон идора қилади ва шўрланиш билан боғлиқ бўлган ҳамма қийинчилик ва фалокатлар тугатилган бўлади.

Бу вазифаларни бажариш учун олимлардан иборат катта коллективнинг маълум вақт мобайнида илмий-текшириш ишлари олиб бориши талаб этилади. Бу ишлар ҳаётдан ажралмаган бўлиши учун Мирзачўлнинг турли жойларида тажриба станциялари қуриш, уларда комплекс текширишлар олиб борилмоғи лозим.

Мирзачўлни ўзлаштириш учун «Средазгипроводхлопок», «Ўзгипроводхоз», Ўзбекистон геология бошқармаси сингари ишлаб чиқариш ташкилотларидан ташқари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳамма институтлари, САГУ, САзПИ, ТИНИМСХ ва бошқа олий ўқув юртлари ҳамда республика илмий-текшириш ташкилотлари ишга кириши. Уларнинг ҳар бири Мирзачўлни ўрганиш, уни бутунлай бўйсундириш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

А. С. УКЛОНСКИЙ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.
Е. Д. РОЖДЕСТВЕНСКИЙ,
А. Ф. СЛЕДНЕВ,
академиянинг старший илмий ходимлари.

Суратда (чапдан): Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг директори, биология фанлари кандидати **М. У. Умаров**, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор **М. А. Панков** ва старший илмий ходим, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати **А. Ф. Шалаев** ўртоқлар Мирзачўлни ўзлаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

И. Гильдин фотоси.

☆

Тупроқшунослар вазифаси

Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш ҳақида чиқарган тарихий қарори биз тупроқшунослар зиммасига ҳам улуғвор ва шарафли вазифалар юклайди. Институтимиз илмий ходимларининг бир группаси «Мирзачўл шароитида шўрланган ерларнинг тузини ювиш методларини такомиллаштириш» деган темада амалий ва тадқиқот ишлари олиб борарди.

Диссертант Александр Ким ва инженер мелиоратор Александр Калашников ўртоқларнинг «Ҳозирги Амударё дельтасидаги кўлмаклар» деган темада олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари Мирзачўл проблемасини ҳал қилишга бағишланган катта ишнинг бир қисмидир. Институтимиз илмий ходимларидан иборат экспедиция март ойдан бери Мирзачўлда тупроқларнинг аҳволи, ер шўрини ювиш методларини такомиллаштириш масалалари юзасидан амалий тадқиқотлар олиб бораётир. Аспирант Г. Я. Светашев тупроқшунос олим Н. В. Богданович раҳбарлигида ишонли атомлар ёрдамида тупроқларнинг шўрларини ювиш проблемаси устидаги тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Мирзачўл тупроқларини мелиоратив жиҳатдан районлаштириш соҳасидаги мураккаб тадқиқотларга, бу беповён даштнинг 1:100000 масштаблик картасини тузишдек катта ҳажмлгга эга бўлган ишга институт илмий ходимларидан Н. Буцков, А. Шмелев ўртоқлар бошчилик қилмоқдалар.

Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал қилишга ёш илмий ходимлардан диссертант Турсун Каримов, аспирант Ориф Комилов ўртоқлар ҳам жалб этилган. Улар институтнинг бошқа илмий ходимлари ва олимларимиз билан ҳамкорликда шўрланиш процессининг химияси, физикаси ва микробиология ҳолатларини ўрганиш, ишлаб чиқариш ташкилотлари учун илмий қўлланмалар яратиб бериш устида самарали иш олиб борадиртирлар.

Мажид УМАРОВ,
Ўзбекистон ССР фанлар академияси тупроқшунослик институтининг директори, биология фанлари кандидати.

Институт ёрдами

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқитувчи-профессорлари коллективи Мирзачўл ўлкасини ўзлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётир. Институт илмий совети яқин кунлар ичида илмий ходимларнинг Мирзачўлга бағишланган асарларини махсус тўплам қилиб босиб чиқаришга қарор қилди.

Тўпламга киритилган илмий ишлар орасида Мирзачўлни суғориш системаси ва уни ўзлаштиришга оид масалаларга бағишланган асарлар бор. Булар орасида профессор В. Ф. Булаевскийнинг «Мирзачўлни суғориш тарихи», доцент С. М. Кривовязнинг «Мирзачўл ерларини суғоришнинг асосий масалалари», доцент А. А. Асқаровнинг «Қурилиш материаллари» асарлари ва бошқа авторларнинг актуал темалардаги назарий ишлари диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, тўпламда яна 18 авторнинг Мирзачўлга бағишланган илмий асари бор.

Шу кунларда институтнинг кўпгина ўқитувчилари Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда иштирок этаётган кишилар орасида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

А. АЛИЕВ.

☆

Шарафли бурчимиз

Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги қарорини амалга ошириш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институтига юкланган олимлар ва ходимлар зиммасига ҳам муҳим вазифаларни юклайди. Биз ҳозирдан Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-проблематик ишларни кенгайтириб юбордик. Шу йилнинг бошида марҳум профессор Ю. Т. Тошпўлатов таклифи асосида «Мирзачўлга ётқизилган бетонларнинг капиллярлар сўриши процессини ўрганиш» деган тема асосида ишлар бошланди. Бу теманинг кўтарилганлигига асосий сабаб шу эдики, кўчириш бошқармаси томонидан Мирзачўл массивида қурилган иморатларнинг таги нурав, порошокисимон массага айланиб қолар, у ерда мустаҳкам бинолар қуриш имконияти йўқ эди. Мана шу зararли ҳодисанинг олдини олиш учун Мирзачўлдаги агрессив сувларнинг бетон капиллярлари орқали сўрилишини ўрганиш олимларимизнинг диққат марказида бўлди. Бу соҳадаги ишлар муваффақият билан бормоқда. Селикатлар лабораториясининг ходимлари бир неча хил бетон блоклари тайёрладилар ва яқин кунлар ичида уларни Мирзачўлга олиб бориб тупроққа қўшиб, тажриба ишларини давом эттирдилар.

Селикатлар химияси лабораториясида Мирзачўлдаги иншоотларни қуришда ишлатиш мақсадида турли маркадаги цементлар тайёрлаш учун ёпишқоқ материаллар танлаш устида илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Айни вақтда Мирзачўл тузига чидамли цемент олиш учун маҳаллий ҳомашё топиш соҳасида ҳам ишлар қилинмоқда.

Ёқуб АЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг директори, химия фанлари доктори.

Илмий асарлар

Ўрта Осиё политехника институтининг профессорлари ва илмий ходимлари Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Институт ходимлари 12 илмий асарни тайёрладилар. Улар яқинда босилиб чиқади. Булар орасида доцент Б. А. Удовчиниконинг «Мирзачўлни электр билан таъминлаш», доцент В. Л. Дмитревнинг «Инженер-геология районлаштириш масаласига доир», техника фанлари кандидати А. М. Зинкининг «Сейсмиг районларда майда блоклардан бинолар қуриш», доцент В. А. Бараксининг «Мирзачўл ГЭСи иншооти проекти ҳақида мулоҳазалар» каби темалардаги асарлари диққатга сазовордир.

Институтда олимлар ва илмий ходимлардан иборат Мирзачўлни ўзлаштириш проблемаларини ҳал қилишга ёрдам берувчи ташаббускор группалар тузилди.

А. ЛАБУТИНА.

☆

Ер ости сувларидан унумли фойдаланайлик

Ўзбекистоннинг умумий сув ресурсларида ер ости сувлари катта ўрин тутади. Республиканинг 30 миллион гектарга яқин чўл-даштларида чорвачилик хўжаликлари асосан ер ости сувлари билан таъминланади.

Республиканинг ер ости сувлари билан шаҳар ва аҳоли яшайдиган пунктларни, чорвачилик хўжаликларини таъминлаш, яйловларни суғориш ва бу сувдан бальнеология мақсадларида фойдаланиш соҳасида кейинги ўн йил ичида катта ишлар қилинди. Марказий Фарғонада, Мирзачўлда, Бухоро воҳасида ва бошқа районларда ботқоқликни қуритиш ва ерларнинг шўрини ювиш мақсадида дренаж коллектор тармоқлари қуриш юзасидан анча ишлар бажарилди. Қизилқумда, Фарғона водисида ва Мирзачўлда йирик артезиан ҳавзалари вужудга келтирилди ва ишга туширилди. Тошкент шаҳрида ва Тошкент атрофида, шунингдек Фарғона водисида ва республиканинг бошқа районларида ўзи оқиб чиқадиган илиқ минерал сув манбалари топилди.

Бироқ буларнинг ҳаммаси республикамиз ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш соҳасида қилинадиган катта ишларнинг бошланишидир. Ер остидаги бой сув ресурслари чинакамига эндигина ўрганила бошланди. Олтинчи беш йилликда ер ости сувларидан фойдаланиш кўлами анча кенгайтирилади.

Сув хўжалигила ишловчилар ва текширувчиларнинг диққатини яқин йилларда 4 та асосий масалага жалб этиш зарур.

Биринчи муҳим масала шуки, қишлоқ жойларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан таъминлаш зарур. Бу масаланинг ҳал қилиниши қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилаш, қиш даврида ирригация тармоқларини ёпиб қўйиш, яъни ер ости сувларини сарфлашни камайтириш имкониятини беради. Бунинг натижасида ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ва ирригация тармоқларини ўз вақтида ремонт қилиш ва тозалаш мумкин бўлади.

Бу муҳим ишни амалга ошириш учун бир қатор йирик районлар группаси ва областларни сув билан таъминлаш проектларини тузиб чиқиш талаб қилинади.

Шу вақтгача аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан таъминлашнинг ҳар қайси пункт учун алоҳида ҳал қилинар эди. Йирик қишлоқ хўжалик территорияларини сув билан таъминлаш проблемасини ҳал қилганда бу масалани янгича, область ёки бирор группа районлар учун ягона проект тузиш йўли билан ҳал этиш маъқулдир.

Республика яйлов-мелиоратив қурилиш трести ана шундай проектни тузиш соҳасида биринчи бўлиб тажрибани ўтказди. Бу трест Фарғона водисида Қўқон группа районларини артезиан сувлари билан таъминлаш проектини тузди ва уни амалга оширишга киришди. Трестнинг бу муваффақиятли иши туфайли Фарғона водисидаги кўпгина колхоз ва МТСлар ичиладиган сифатли артезиан сувлари билан таъминландилар.

Фарғона водисида қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган проектлаш ва қудуқлар қуриш ишлари республиканинг бошқа районлари ва областлари томонидан қўллаб-қувватланиши ва бу тажрибадан кенг фойдаланиши лозим. Бу ишга Средазгипроводхлопок ва Ўзгипроводхоз каби республикадаги проектлаш-қидириш институтларини ҳам жалб этиш керак. Республикадаги қишлоқ районларида водопроводлар қурадиган махсус ташкилот тузиш пайти ҳам келиб етди.

Иккинчи катта вазифа — мелиорация ва ер ости сувларидан суғориш учун фойдаланиш мақсадида ер ости сувлари даражасини регулировка қилиш ва минералаштиришдан иборатдир. Республикамизнинг суғориладиган воҳаларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориладиган территориялардаги ботқоқликларни қуритиш ҳамда ерларнинг шўрини ювиш соҳасида кейинги ўн йил ичида катта ишлар қилинди. 20 минг погон метрдан кўпроқ майдонда коллектор-дренаж системасининг катта тармоқлари барпо этилди, Марказий Фарғонада, Мирзачўлда, Бухоро областида талай ботқоқликлар қуритилди, суғориладиган воҳаларда асрлар бўйи тўпланган зararли тузларни йўқотиш ишлари бошлаб юборилди.

Суғориш системасини шундай ташкил қилайликки, у ер майдонларини эгалламасин, экинларни квадрат-уялаб ишлашга ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда транспортнинг ўтишига халақит бермасин, мелиорация системаларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамма ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш, ер ости сувларидан суғориш мақсадларида фойдаланиш имкониятини берсин. Ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж системаси ер шарт-шароитларга тўла-тўкис жавоб беради. Тупроқнинг ва ер ости сувларининг шўр босган юза қатламлари тагида анча сучук сув қатламлари ётган Марказий Фарғона, Мирзачўлнинг шимоли-шарқий суғориладиган қисмида, Бухоро воҳасининг талай қисмида ва бошқа бир қатор районларда вертикал дренаж, айниқса перспективлидир. Сучук ер остидаги сувларининг олиниши ва суғориш учун фойдаланилиши ер остидаги шўр сувлар даражасининг пасайишига сабабчи бўлади ва тупроқдаги ҳамда ер ости сувларидаги шўрни тезроқ қочириш учун шароит яратиб беради.

Вертикал дренажни қўлланишнинг перспективалилиги ҳақидаги масала Ўзбекистон ССР фанлар академияси ва Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси томонидан пухта ишлаб чиқилган. Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрлиги яхши ўрганилган ва вертикал дренажни қўлланиш перспективали бўлган районларда вертикал дренажнинг тажриба-ишлаб чиқариш системасини проектлаш ва қуриш ишларини бошлаб юбориши керак. Марказий Фарғонанинг ғарбий қисми, Мирзачўлнинг шимоли-шарқий қисми, Бухоро воҳасининг марказий қисми ана шундай районлар жумласиндандир.

Тажриба-фойдаланиш системасини бир неча минг ёки ҳатто ўн минг-лаб километрлик катта массивларда проектлаш ва қуриш лозим, токи бу система ҳисобининг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаб олиш ва дренаж қудуқларининг ҳар хил вариантларини ва конструкцияларини синаб кўриш мумкин бўлсин.

Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги учинчи вазифа — яйловларга сув чиқариш ва ўтлоқ жойлардаги чорва молларини сув билан таъминлашдан иборатдир.

КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик план тўғрисидаги Директиваларида Ўзбекистоннинг Қизил қумдаги 6,8 миллион гектар чўл ва дашт яйловларига сув чиқариш кўзда тутилган. Ўз миқёси жиҳатдан жуда катта бўлган бу вазифа — ишлаб чиқариш ва илмий-текшириш ташкилотларидан зўр ғайрат билан ишлашни талаб қилади.

Сув ресурсларидан ва шу жумладан ер ости сувларидан комплекс фойдаланиш соҳасидаги барча масалалар билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг яқинда ташкил этилган Сув хўжалиги институти шуғулланиши лозим. Бироқ бу институтни ташкил этиш ишлари жуда суст амалга оширилмоқда: янги институт ҳалигача бино, илмий-экспериментал база билан таъминланган эмас.

Ниҳоят, ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тўртинчи масала — термал ва минерал сувларнинг бой запасларидан фойдаланишни ташкил этиш вазифасидир. Бу ғоят катта ва муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тўғри, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ер ости минерал сувларидан бальнеология соҳасида фойдаланишда кейинги вақтларда анча иш қилди. Бунинг натижасида республикамиз пойтахти — Тошкент минерал сувлар билан ишлайдиган ўз шифохонаси ва курортларига эга бўлди. Тошкентда чиқадиган минерал сувлар эндиликда кенг аҳолига сотилмоқда.

Аммо бу ҳали қаноатлантирарли эмас, мазкур соҳадаги ишлар Ўзбекистонда ҳам мамлакатимизнинг энг яхши шифохоналарини яратиш имкониятини берадиган ер ости сувлари резервларини қамраб олганича йўқ.

Ана шу ва бошқа кўпгина масалалар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув хўжалиги институтининг диққат марказида туриши керак.

Шу сабабли янги институт ишларини тезроқ ривожлантириш, лаборатория ва илмий-экспериментал база масалаларини тезроқ ҳал қилиш керак. Ана шундагина институт Мирзачўлни ўзлаштиришдек умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўша олади.

Н. РЕШЕТКИНА,
Техника фанлари кандидати.

☆

Мутахассислар иш бошладилар

«Главголодностепстрой» Мирзачўлда ўзлаштириладиган ерларда қурилиш ишларини бошлаб юборди. Мирзачўлда иш олиб боратган 3 та қурилиш-монтаж бошқармасида ўнлаб юқори малакали инженер кадрлар ишлаб турибди. Тажрибали инженер-гидротехник А. С. Чернишев раҳбарлик қилаётган 1-қурилиш-монтаж бошқармаси турар-жойлар, ётоқхоналар, саноат объектлари, ремонт-механика мастерскойлари қуришга киришди. Бу бошқармада инженер-гидротехник К. И. Колесников раҳбарлигида мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларини битириб келган ёш мутахассислар ишламоқдалар. Киров каналининг ўнг соҳилида иш бошлаб юборган 2-қурилиш-монтаж бошқармаси Киров каналини қайта қуриш ишлари билан шуғулланаётир. Бу ишга инженер-гидротехник Н. Ф. Требенко, ёш инженер-қурувчи И. Т. Гордиенко, инженер-гидромелиоратор В. А. Винис ўртоқлар бошчилик қиляптилар.

Бундан ташқари, бир қанча илмий-текшириш ва ишлаб чиқариш корхоналарининг олимлари, инженерлари Мирзачўлни қурилиш материаллари билан таъминлаш, янги район марказларининг схемасини тузиш каби муҳим ишларда иштирок этмоқдалар.

В. СЕРГЕЕВ.

☆

„Мирзачўлни суғориш тарихи“

Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонасининг библиография бўлими яқинда «Мирзачўлни суғориш тарихи» деган адабиётларнинг аннотацияли кўрсаткичини тузди.

Кўрсаткичда кутубхона фондидаги Мирзачўлни суғориш ишлари билан боғланган адабий манбаълар акс эттирилган. Унда китобларда, тўпламларда, журнал ва газеталарда 1871 йилдан 1954 йилгача ўтган даврда Мирзачўлни ирригациялаш-мелиорациялаш ва ўзлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлган асарлар ҳақидаги маълумотлар бор. Кўрсаткичдан фойдаланишда қулайлик туғдириш учун авторлар, коллективларнинг номлари, географик номлар, журнал ёки тўпламларнинг даврийлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Кўрсаткичда 1900-1947 йиллар орасидаги Мирзачўлда бўлган ирригация тармоқлари ва энг муҳим аҳоли яшайдиган пунктларни акс эттирувчи икки карта ҳам берилган. Бундан ташқари, 1936 йилдан шу кунгача Мирзачўл ҳақида чиққан китоблар, журнал ва газеталарда босилган мақолалар картотекалари ҳам бор.

Кутубхонанинг справочник-библиографик бўлими Мирзачўл ҳақидаги асарлар рўйхатини тайёрлади. Бу асар кенг ўқувчилар оммасига мўлжаллангандир.

В. МАКОГОН.



Хитой Халқ Республикаси. Демобилизация қилинган Хитой халқ — озодлик армиясининг жангчилари қишлоқ хўжалигида ишлаш истагини билдирмоқда лар. Улар механизатор бўлиш учун махсус мактабларда ўқи ётирлар. **Суратда:** ўқитувчи демобилизация қилинган бир группа танкчиларга плугдан фойдаланиш йўлларини сўзлаб бермоқда.

(Синьхуа агентлиги). **Сун Чун-чин** фотоси.

УРУГВАЙ СЕНАТОРИНИНГ СССРГА ҚИЛГАН САФАРИ ТУҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

МОНТЕВИДЕО, 18 октябрь. (ТАСС). Уругвай парламент делегацияси составида Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа мамлакатларга бориб келган сенатор Трокколи сенатда бу сафар тўғрисида катта доклад қилди. Докладда асосий эътибор делегациянинг Совет Иттифоқида бўлганлигига берилган.

Трокколи СССРга қилинган сафар фойдали бўлди ва совет халқи делегацияни самимий кутиб олди, деб уқтириб ўтди. Биз, деди у, ҳамма нарсани кўриш ва истаган нарсамизни киноплёнкага суратга олиш имкониятига эга бўлдик.

Трокколи делегациянинг СССР Олий Советида қабул қилинишига тўхталиб, СССР Олий Советининг Президиумининг раиси К. Е. Ворошилов билан бўлган учрашув Уругвай делегациясида ғоят чуқур таассурот қолдирди деб уқтириб ўтди.

Трокколи СССРда жуда катта ижжой қурилиши олиб борилаётганлигини кўрсатиб ўтди. Бу қурилишларда йиғма конструкциялар кенг қўлланилмоқда.

Сенатор 60 миллат студентлари ўқиётган Москва университети унда катта таассурот қолдирганлигини сўзлаб берди ва совет балети ҳамда циркка юқори баҳо берди.

Сенатор Совет Иттифоқининг Латин Америкаси билан савдо-сотиқни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини уқтириб ўтди.

Трокколи доклади сенаторлар ўртасида катта қизиқиш туғдирди. Сенат докладни алоҳида брошюра қилиб нашр этишга қарор қилди.

Покистон бош министри Пекинга келди

ПЕКИН, 18 октябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг бош министри Чжоу Эньлайнинг таклифига биноан Покистон бош министри Ҳусайн Шаҳид Сухраварди ва унинг ҳамроҳлари бугун Пекинга келдилар.

Пекин аэродромида Покистондан келган меҳмонларни Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай ва бошқа кўзга кўринган давлат арбоблари кутиб олдилар.

Покистон бош министри аэродромда нутқ сўзлаб, унга Хитой халқи эришган ажойиб прогрессни ўз кўзи билан кўриш имконияти берилганлиги учун ташаккур быдирди ва ишонч билдириб айтдики, Хитой билан Покистон ўртасидаги традицион дўстлик алоқалари бундан кейин ҳам мустаҳкамлана боради.

Хитой матбуоти бугун босиб чиқарган ўз мақолаларида Покистон бош министрининг Хитойга келганлигини табриклямоқда. «Жэньминь-жибао» газетаси бу визитта Хитой ва Покистон ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантириш йўлидаги муҳим воқеа деб баҳо бермоқда.

Ливияда жосуслар ташкилоти фош қилинди

ТРИПОЛИ, 18 октябрь. (ТАСС). «Ал Башоир» газетаси билдиради. Ливия маъмурлари Ливияда кенг тарқалган жосуслик ташкилотини фош қилганлар. Бу ташкилотга Францияннинг Триполидаги миссиясининг иккинчи секретари Жильбер Пус раҳбарлик қилган. (Жильбер Пус бахтсиз ҳодиса натижасида сентябрь ойида ҳалок бўлган).

Газетанинг кўрсатиб ўтишича, БМТнинг Ливиядаги техника миссиясининг ходимлари бўлган французлар жосуслик ташкилотига кирган. Ливия тўғрисида махфий ахборот тўплаш, мамлакатда тартибсизликлар уюштириш ва Ливияда яшаб турган жазоирликларга қарши кураш олиб бориш — жосуслик ташкилотининг вазифаси бўлган.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ, 18 октябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Париж шаҳри четидаги обервильеда Франция коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Кун тартибида Сиёсий аҳвол ва ишчилар синфининг бирдамлиги ҳақидаги масала қўйилган. Бу масала юзасидан Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Этьен Фажон доклад қилди.

КАНАДА ВА АНГЛИЯДАН СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ЛЕНИНГРАД, 18 октябрь. (ТАСС). Бугун Ленинград портига «Вячеслав Молотов» деган турбо-электроход келди. Унинг пассажирлари орасида Канада ва Англиядан репатриация қилинган совет гражданларининг катта группаси бор.

ЭЙЗЕНХАУЭРНИНГ АҚШ КОНГРЕССИГА ЮБОРГАН МАКТУБИ ТУҒРИСИДА «БОРБА» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БЕЛГРАД, 18 октябрь. (ТАСС). Президент Эйзенхауэрнинг Югославияга бундан буён ҳам иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисида АҚШ конгрессига мактуб юборганлиги муносабати билан «Борба» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «АҚШ президентининг мактубида мустақил ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш принципларига мос келмайдиган элементлар бор».

МИСРДА ИНГЛИЗ ЖОСУСЛАРИ УСТИДАН СУД

ПАРИЖ, 18 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Қоҳирадан қуйидаги хабарни билдиради: Бугун Қоҳирада тўрт инглиз табаалар устидан суд бошланди. Улар жосуслиқда айбланиб август ойида қамоқка олинган эди. Суд мажлиси ёпиқ ҳолда ўтди.

Миср доираларида айтилишича, суд қилинаётганлар ўз устларига қўйилган айбга иқрор бўлганлар.

ХАЛҚАРО ФОТО САНЪАТИ ВИСТАВКАСИ

ДЕҲЛИ, 18 октябрь. (ТАСС). Аҳмадобод шаҳрида учинчи халқаро фото санъати виставкаси тугади. Виставкада 30 мамлакатнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг фотографлари қатнашди. Виставка комитети рангли фото суратлари бўйича биринчи мукофотни совет фотографи Алексей Бушкинга «Федоскинода куз» деган фото этюди учун беришга қарор қилди. Виставканинг экспонатлари Бомбайда, Пунада ва Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларида кўрсатилади.

ИСРОИЛ ЯРАШ ТУҒРИСИДАГИ БИТИМНИ БУЗМОҚДА

БАЙРУТ, 18 октябрь. (ТАСС). Байрут радиосининг хабар қилишича, кеча Исроилнинг разведкачи самолётлари Иордания территорияси устида учиб юриб, Иорданиянинг ҳаво чегараларини бузган.

МИСР-ИНГЛИЗ-ФРАНЦУЗ ПЛАНИНИ РАД ЭТМОҚДА

ҚОҲИРА, 18 октябрь. (ТАСС). Миср газеталари Парижда инглиз-француз музокаралари бўлиб ўтганлиги муносабати билан эълон қилинган ахборотни шархлаб бундай деб ёзмоқдалар. Англия ва Франция Сувайш масаласи юзасидан ўз резолюция проектининг Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаши туфайли Хавфсизлик Кенгаши томонидан рад этилган қисмини Мисрга қабул қилдириш йўлидаги ўз ниятларидан воз кечмадилар.

«Ал Ахбор» газетаси бундай деб ёзади: Англия ва Франция бир группа мамлакатларнинг Лондонда бўлган кенгаши қарорларига амал қилишни давом этдираётган эканлар бундан кейинги музокараларнинг муваффақият қозонишига ишониб бўлмайди. Машҳур обзорчи Анвар Саодат «Альжумҳурия» газетасида ёзадики, Сувайш канали устидан халқаро контроль ўрнатиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таклифларни Миср қатъиян рад қилди ва бундан буён ҳам рад этади.

НЕМИС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ТАЪҚИБ ЭТИШ ТУХТАТИЛСИН

ГДР ташқи ишлар министрининг нотаси

БЕРЛИН, 18 октябрь. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради. Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Германия Федератив Республикасининг ташқи ишлар министрлигига нота юбориб, тинчлик ва Германияни тинч йўл билан қайта бирлаштириш манфаатларини ёқлаб чиққанликлари учун Ғарбий Германияда қамоққа олинган олтита ГДР гражданининг суд томонидан таъқиб этилишини тўхтатишга чақирди. Нотада ГДРнинг қонунсиз равишда айбланиб қамоққа олинган гражданларининг қамалиши натижасида уларга етказилган моддий зарарни тўлаш талаб этилади.

«ТУ — 104» САМОЛЁТИ ДЕҲЛИДА

ДЕҲЛИ, 18 октябрь. (ТАСС). Москва — Тошкент — Деҳли — Рангун маршрути бўйича синов юзасидан учаётган «ТУ-104» совет реактив самолёти бугун Деҳлига келди.

«ТУ-104» самолёти бугун соат 4 дан 40 минут ўтганида Москвадан учиб кетди ва Тошкентда бироз тўхтаганидан кейин Деҳлига қараб учди.

Тошкент — Деҳли маршрутида об-ҳаво учиш учун жуда қулай эди ва самолёт соатига 1.050 километр тезликда учди. Тошкентдан Деҳлигача бўлган йўл 2 соат 30 минут ичида босиб ўтилди.

«ТУ-104» самолёти 9.000 — 10.500 метр баландликда учди ҳамда Памир, Кузнь—Лунь тоғлари устидан ва ер курраси ди энг баланд тоғ бўлган Гималай тоғлари устидан учиб ўтди. Самолёт кундуз соат 3 дан 10 минут (Москва вақти билан соат 12 дан 40 минут) ўтганида, яъни Москвадан учгандан кейин орадан 8 соат ўтгач Деҳлининг Палам аэропортига келиб қўнди.

Самолёт Деҳлида икки кун бўлади ва шундан кейин Рангунга учиб кетади.

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ САВДО ПАЛАТАЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТРИПОЛИ, 19 октябрь. (ТАСС). Триполида араб мамлакатлари савдо палаталарининг 6-конференцияси очилди. Конференцияда Ливия, Миср, Сурия, Ироқ, Марокаш, Тунис, Иордания, Жазоир делегациялари ва Саудия Арабистонидан ҳамда араб мамлакатлари иттифоқининг кузатувчилари иштирок қилмоқдалар.

Ливия бош министри Бен Халим конференцияни очаётиб, иқтисодий ривожланиш ишида араб давлатларининг ҳаракатини бирлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Араб мамлакатлари иттифоқининг кузатувчиси Ориф Рааф ўз сўзида айтдики, конференция мақсади иқтисодий соҳада араб мамлакатлари мақсадларининг бирлигига эришиш ҳамда улар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга эришишдан иборатдир.

Биринчи мажлисда сўзлаган барча араб мамлакатларининг вакиллари ғарбий давлатлар томонидан араб халқларига нисбатан юргизилаётган мустамлакачилик сиёсатини яқдиллик билан қораладилар ва Сувайш канали компаниясини национализация қилиш масаласида Миср ҳукуматини қувватладилар.

Конференция қатнашчилари Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеровнинг араб мамлакатлари савдо палаталарининг 6-конференциясига ишда муваффақиятлар тилаб юборган табрик телеграммасини самимий кутиб олдилар.

Конференция 21 октябргача давом этади.

«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИ ЮТҚАЗМОҚДА

Яқинда мамлакат биринчилиги учун «Б» класс составида ўйновчи «Пахтакор» командаси «Зенит» (Ижевск шаҳри) командаси билан учрашди. Бу учрашувда тошкентлик спортчилар қаттиқ қаршиликка учрадилар. Улар ҳар қанча урунмасинлар, устунликка эришолмадилар. «Зенит» командасининг футболчилари «Пахтакор» командаси дарвозасига уч тўпни уриб киритдилар. Шундай қилиб, ўйин 3:0 ҳисоби билан «Зенит» командаси фойдасига ҳал бўлди.

ТОШКЕНТДА



Суратда: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Усташирин Муродов ўзининг устахонасида янги карнизларнинг намуналарини тайёрламоқда.

О. Апухтин фотоси.

Пойтахт санъатчилари пахтакорлар хизматида

Областимиз пахтакорлари кун сайин йиғим-терим суръатини ошириб, пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь байрамигача бажариш учун барча куч ва воситаларини ишга солмоқдалар. Санъаткорлар пахта йиғим-терими даврида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш учун областимизнинг турли районларига жўнаб кетдилар. Республика халқ артистраси Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги группа областнинг Пискент, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ районларида ва «ЎзССР беш йиллиги» совхозида бўлиб, колхозчилар ва совхоз ишчиларига катта программада концерт берадилар. Бу группа 18 кишидан иборат бўлиб, унинг составида республика халқ артисти Карим Зокиров, республикада хизмат кўрсаттан артистлардан Саттор Ярашев, Ҳалима Комилова, солистлардан Низомхўжаев ва бошқалар бор.

Республика халқ артисткаси Шаҳодат Раҳимова бошлиқ 15 кишидан иборат ўруппа Бекобод ва Боёвут районларидаги колхоз ҳамда совхоз пахтакорларига хизмат кўрсатади. Группа томонидан кўрсатиладиган концертларда Муқимий номли республика музикали ва комедия театрининг артистларидан Шерали Пўлатов, Ашурали Юсупов, Райҳон Иброҳимова, Тамат Зиёхонова, Раиса Муҳитдинова, Тўйчи Инагомов ва бошқалар иштирок этадилар. Шунингдек республика халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов бошлиқ 12 кишилик группа Мирзачўл, Гулистон ва Сирдарё районларига боради.

Бундан ташқари Ўзбекистон давлат филармониясининг ўзбек ашула ва рақс ансамбли, симфоник оркестр, Печорин бошлиқ эстрада артистлари, Попов ва Самандарова ўртоқлар бошлиқ группа, ўзбек давлат эстрадасининг корейс бригадаси «Баҳор» ансамбли иштирокида областнинг Чиноз, Сирдарё, Верхне-волинск, Октябрь, Мирзачўл, Боёвут, Гулистон, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл районларидаги колхоз ва совхозларда бўладилар.

Гуллар виставкаси

Тошкентда шаҳарни кўкаламзорлаштириш кўнгилли жамияти бир неча йилдан бери иш олиб борянти. Бу жамият Тошкентни янги-янги гулзор ва хиёбонлар билан янада обод қилишда шаҳар Советига яқиндан ёрдамлашмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар Совети биносида ана шу жамият томонидан ташкил қилинган гуллар виставкаси очилди.

Виставкага кўпгина гулчилар ва Тошкент шаҳар гулчилик ташкилоти аъзолари ўзларининг ҳар хил гуллари ва декоратив ўсимликлари билан қатнашганлар. Томошабинлар виставкада намойиш қилинган гулларни қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қори-Ниёзовнинг 8 та георгини, Малиновская, Акбархўжаев, Саг-саганский, Плунгян ва бошқа санъаткорларнинг гуллари виставка томошабинларига манзур бўлмоқда.

ҲОДИСА

ТЕКИНХЎР

Эндигина ёши 24 га кирган Комил Собиров ўзининг бақувват бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ишламайди, жамоатга фойда келтиришдан ўзини четга тортади.

Киракашликдан йиғилган пул унинг эҳтиёжини қоплямади шекилли, энди у бировларнинг ҳалол меҳнати туфайли жамгарган пулларига сотиб олган машиналарини ўғирлашни ўзига касб қилиб олди.

Шу йил 1 октябрь куни Самарқанд-Дарвоза кўчасида яшовчи Абдунаби Абдурасулев ўзининг ЕХ-86-17 маркали «Москвич» машинасини эшигининг олдида қолдириб, уйига кириб кетган. Бундан фойдаланган текинхўр Собиров машинани ўғирлайди. У машинани шундай юқори тезликда ҳайдаб кетаётганда 6 яшар қизча—Марҳамат Комиловани бостириб кетади ва шошганидан машинани столбага уриб, уни мажақлайди, сўнгра ўзи ғойиб бўлади.

Давлат автоинспекторлари ва жиноий қидирув органларининг ходимлари Комил Собировни маст ҳолда ушлаганлар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/X да **Алишер Навоий**, 21/X да кундуз **Бой ила хизматчи**, кечқурун **Чин муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/X да **Азиз** ва **Санам**, 21/X да **Зафар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Муъжизасиз муъжизалар»** аттракциони. 20/X да икки марта, 21/X да уч марта томоша кўрсатилади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» кундуз ва кечқурун **Қамал қилинган қалъада.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Солдат Иван Бровкин**, қолган сеанслар да **Карусель.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Карусель.**

«ХИВА» — **Карусель.**

9 Январь кўчаси, 16-уй, 21-квартирада турувчи **Людмила Матвеевна Луцкаянинг** Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 57-уйда турувчи **Яков Петрович Кеткодан** ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 2-участка ҳалқ судида кўрилади.

Америка-Панама жанжали

Миснинг яқинда Сувайш канали компаниясини национализация қилганлиги дунёдаги кўпгина мамлакатлар жамоатчилиги, шу жумладан Панама жамоатчилиги фикрига катта таъсир кўрсатди.

Маълумки, океанлараро денгиз канали Панама территориясидан ҳам ўтади. Миср ҳукумати Сувайш канали компаниясини национализация қилмасидан олдин Сувайш канали қандай ҳолатда бўлса, бу канал ҳам тахминан шундай ҳолатдадир. Панама каналини бошқариш ва унинг ишлаб туриши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишни четэл компанияси — америка компанияси ўз қўлига олган. Панама территориясининг канал ўтган қисми махсус зона қилиб ажратилгандир. Бу зонада америка ҳарбий базалари жойлашган бўлиб, Қўшма Штатлар танҳо хўжайинлик қиладилар.

Миснинг Сувайш каналини национализация қилишга қарор қилганлиги маълум бўлгач, орадан кўп ўтмай, Панама ҳукумати баёнот эълон қилди. Бу баёнотда ҳукумат Панама каналига бўлган ўз суверенитетини уқтириб ўтди. Сувайш канали масаласи юзасидан Лондон конференцияси чақирилиши муносабати билан Панаманинг Буюк Британияга юборган нотасида Панама тутган позиция баён қилинган эди. Баёнотда бундай дейилади: «Панама Қўшма Штатларга бази бир ҳуқуқларни, жумладан ремонт қилиш, фарватерни тозалаш ишлари, каналдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган ҳуқуқларни бериб қўйганлигига қарамай, у ўз территориясида қурилган канал зонасининг суверен эгасидир».

Панама каналининг барчи этиқаманинг баеноти айниқса диққатга сазовордир.

1902 йилда Қўшма Штатлар Панама бўйнида канал қуриш учун Колумбияда концессия тузди ва тезлик билан (1903 йилда) бу шартномани мажбуран қабул қилдиришга уринди кўрди. Бу шартнома амалда бутун Панама бўйнини Америка контроллиги остига олишни кўзда тутарди. Колумбия парламенти бу шартномани рад қилгач, АҚШ Колумбиянинг вилояти бўлган Панамада «тўнтариш» уюштирди. Тўнтариш натижасида Панама шаҳри ва унга туташиб турган район Колумбиядан ажралиб қолди. Шундай қилиб, АҚШга бутунлай қарам бўлиб қолган Панама республикаси вужудга келди.

1903 йил 18 ноябрда АҚШ Панама билан шартнома тузди. Бу шартномага кўра америкаликларга Панама канали зонасида жуда катта ҳуқуқлар берилган эди. Шартнома бўйича Қўшма Штатлар канални қуриш (канал фақат 1914 йилдагина қурилган ва очилган эди), истеҳкомларни тиклаш ҳамда канал зонасида қўшинларни сақлаш ҳуқуқига эга эди. Шартноманинг 2-моддасида, Панама республикаси канал зонасидан мунтазам фойдаланиш, уни босиб олиб, ўз контроллигини ўрнатиш учун Қўшма Штатларга рухсат беради, деб кўрсатилган эди. Шартноманинг 3-моддасига биноан Қўшма Штатлар канал зонаси доирасида ҳамма ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиши мумкин эди. АҚШ ўз томонидан Панамага ҳар йили 250 минг доллар тўлаб турадиган бўлди.

1903 йилда тузилган шартнома асоратга солувчи шартнома эканлигини англаган панама халқи мамлакат территориясида америкаликларнинг ҳукмрон бўлиши ва хўжайинлик қилишига қарши тезда курашни кучайтириб юборди. АҚШ баъзи бир ён беришларга мажбур бўлди. 1903 йил шартномаси қайтадан кўриб чиқилди. Ундаги жуда камситувчи айрим моддалар, жумладан АҚШнинг Панамада истеҳкомлар қуриш ҳамда ҳарбий кучларни жойлаштириш ҳуқуқига эга эканлиги 1936 йилда тузилган америка-панама шартномасида тушириб қолдирилди. Кейинчалик (1955 йилда) Панама билан АҚШ ўртасида Панама канали тўғрисида янги шартнома имзоланди. Бу шартномага мувофиқ, Американинг ҳар йилги тўлов суммаси 1930 минг долларга етказилди. Шу билан бирга, канал зонаси билан Панама республикаси ўртасидаги савдо-сотиқ соҳасида, солиқ солиш, санитария, канал зонасида иш билан банд бўлган панамаликлар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари юзасидан АҚШ Панамага турли хил ён беришларга йўл қўя бошлади ва ҳоказолар.

Ана шундай ён беришларга қарамай, АҚШ Панама канали зонасида бўлгани сингари Панама республикасининг ўзида ҳам ҳукмронлик позициясини сақлаб келмоқда. 16 километр кенгликдаги Панама канали зонаси орқали республиканинг сунъий равишда икки қисмга ажратиб қўйилганлиги транспорт алоқалари ва экономикани ривожлантириш соҳасида жуда катта қийинчиликларни туғдиради. Яқинда Панама республикасининг шимолий ва жанубий қисмлари оралиғида транспорт ҳаракатини яхшилаш мақсадида канал устидан ўтадиган вўприкни қуришга рухсат этишини сўраб, АҚШга ялиниб-ёлборишга мажбур бўлди. Панама каналини эксплуатация қилишдан келадиган бутун фойдани АҚШда рўйхатдан ўтказилган компания олмоқда. Панама канали зонасидаги америка-ликлар